

йилда бажарилади янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошлангичдан қамада бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун Корхонага буюртманома бериш;

келуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бнолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистемолчиларнинг эҳтиёжлари ҳисобга олиш.

Шунингдек, уланган қуввати 5 МВт ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи, Корхона талабига асосан қуйидаги маълумотларни тақдим этишга мажбур:

истеъмол килинаётган қувватнинг хар суткалик, хар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори,

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламалари давларида реактив энергия ва қувватнинг хар суткалик сарфи,

энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг хар 30 дақиқалдаги сарфи.

Бундан ташқари, уланган қуввати 250 кВа ва ундан ортиқ бўлган истеъмолчилар қуйидагиларга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун Энергия сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илгор нормаларини ишлаб чиқиш-умумий ишлаб чиқариш ва технологик; яқка тартибдаги ва гуруҳ бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гуруҳлари бўйича Энергия балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёналарида электр энергияси билан фойдаланиш самаралорининг таҳлил қилиш, Энергиянинг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни қамайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келуси давр учун Энергияга бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруриятини аниқлаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқаришининг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогност ҳажмларидан ва Энергия сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни қамайтириш ва Энергияни тежашни ҳисобга олган ҳолда) Энергиянинг бир йил ва келуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига Энергия сарфининг таъминланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни қамайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш; Энергияни тежаш бўйича (Йиллик ва узок истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Истеъмолчи конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.3. Корхона қуйидаги ҳукукларга эга:

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини қўрсатган даражасида бажарилишини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида, Бюрони хабардор қилган ҳолда, Истеъмолчини электр тармоғидан узиб қўйиш;

Корхона Бюронинг қўрсатмасига асосан, ҳамда ЭНХА Га узинган ёки энергияга олдидан ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдидан тўланган ҳақ тўлаганда электр тармоқларидан узини.

Корхона конунчилиқка мувофиқ бошқа ҳукукларга ҳам эга бўлиши мумкин. Мазкур Шартномага асосан Истеъмолчини электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган ҳолат учун Корхона ва Бюро жавобгар бўлмайди.

4.4. Корхона қуйидагиларга мажбур: Истеъмолчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниши чегарасигача Шартномада қўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр ҳўжалини объектларидаги носозликларни бартараф қилиш; электр ҳўжалини объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги кўтилаётган узлишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш;

Истеъмолчини электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

қиритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вақти қўрсатилган ҳолда олдидан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмагалиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги Истеъмолчининг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб қўриши;

Истеъмолчига ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда қиритилган тақлифларига мувофиқ, ўн кун муддатда электр энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар қиритиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини қўлайтириш (қамайтириш) мумкин бўлмаган таклирда - истеъмолчига бу ҳақда, рад этиш сабабини қўрсатган ҳолда хабар қилиш; Истеъмолчиде ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатишни, шунингдек Бюро билан бирга пломбалашни таъминлаш; сифат қўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона конунчилиқка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси конунчилиқтида белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, Корхона бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга, "Истеъмолчи" эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Корхона Истеъмолчи олдиде моддий жавобгар бўлмайди агар: Истеъмолчи электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимида риоя қилмай,

қўйганда, худудий электр тармоқлари корхона томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажарилмагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб беришганилиги учун;